

**“Farg’onaazot” АЖ да 2022 йил 9 ойлиги давомида коррупцияга қарши
курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида
УМУМИЙ ҲИСОБОТ ***

**1. Ташкилотнинг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури
бажарилгани тўғрисида умумий ахборот¹**

“Фарғонаазот” АЖ Комплаенс назорат хизмати томонидан 2022 йилнинг 01 октябрга қадар тасдиқланган йиллик режа асосида қуйидаги тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июль кунги «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПК-5177-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, интернет тармоғига жойлаштирилган <http://azot.vakantlar.uz> хавола орқали ишга туширилувчи дастур орқали корхонага ишга қабул қилиш “Фарғонаазот” АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 12 август кунги № 1259-сонли буйруғи билан жорий этилган ҳамда ишчи комиссия аъзолари тасдиқланган.

2022 йил Президентимиз томонидан «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан, ишчи хизматчиларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиш учун жамият бошқарув раисининг кўрсатмасига биноан барча цехлар бошлиқлари томонидан ўзларига тегишли бўлган ишчи-ҳодимларни шахсий масалалари бўйича қабул қилиш кунлари белгиланиб, тегишли тартибда уларни қабул қилиш ишлари тизимли равишда ташкиллаштирилди.

2022 йил 21 апрелда “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув раиси томонидан корхонанинг янги структураси тасдиқланиб, жамиятда ўзгаришлар бўлган бошқарма ва бўлимларига раҳбар ва ходимлар тегишли тартибда расмийлаштирилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6257 Фармони, 2021 йил 06 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-5177 Қарори ҳамда “Фарғонаазот” АЖ бошқарув Раиси томонидан 2021 йил 17 июнда

тасдиқланган ““Фарғонаазот”АЖ да манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати ”нинг 5.4 банди талабларидан келиб чиқиб, корхонанинг меъёрий хужжатида кўрсатиб ўтилган 210 нафар ходимлар манфаатлар тўқнашуви буйича декларацияни тўлдиришди ва декларациялаш натижасида 4 нафар рахбар ходимларда манфаатлар тўқнашуви ҳамда 6 нафар ходимларда эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви борлиги аниқланди. Мавжуд ҳолатлар ахлоқ комиссиясида кўриб чиқилиб, манфаатлар тўқнашуви бартараф этилди. Ўтказилган декларациялаш натижалари корхона расмий веб сайтга жойлаштирилди.

Ўтган ҳисобот даврида ўтказилган 9 та хизмат суриштирувлари жараёнида (3 чоракда 2 та) аниқланган салбий ҳолатлар бўйича 4 нафар ходимлар билан хизмат шартномалари бекор қилинди, 6 нафарига “хайфсан” жазо чоралари кўрилди, 5 нафарига “каттик огохлантириш”, 11 нафар ишчи-ходимларнинг ойлик маошларидан маълум бир фоиздаги жарималар ушлаб қолинди.

II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар

“Фарғонаазот” АЖ ҳуқуқшунослик бўлими билан ҳамкорликда ҳозирги кунга қадар 15 та меъёрий хужжатлар тайёрланган ва корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланган. Ушбу меъёрий хужжатлар корхонанинг ҳар бир бўлим-бўлинмалари ҳамда цехлар раҳбарларига юборилган ҳамда ҳафтанинг жума кунлари ўтказиладиган маънавий кунларида ходимларга етказиб борилмоқда.

Шунингдек, мазкур меъёрий хужжатлар танишув варақалари орқали таништириб борилмоқда ҳамда корхонанинг расмий веб сайтига жойлаштирилган.

Жамият раисининг маънавий-маърифий ишлар ҳамда ўзбек тили бўйича маслаҳатчиси ҳамда ҳуқуқшунослик бўлими билан ҳамкорликда ““Фарғонаазот” АЖ янги “Хизмат одоби қоидалари” ишлаб чиқилиб, 2022 йилнинг июнь ойида корхона бошқарув раисининг 06 июндаги № 980 сонли буйруғи билан тасдиқланди. Ушбу меъёрий хужжат билан корхона ишчи-ходимларини таништириш мақсадида тасдиқланган режа асосида жамият бўлим ва цехларида ҳамкорликда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, жамият ишчи-ходимларининг коррупцияга қарши курашиш, коррупция иллатига мурасиз бўлиш муносабатини шакллантириш, ҳуқуқий онгини ва маданиятини юксалтириш мақсадида ўқув-дастури (Буйруқ №115, 24.01.2022й.) ишлаб чиқилиб, тасдиқланган

жадвал асосида комплаенс назорат хизмати ходимлари томонидан бўлимлар ва цехларда ўқитиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, “Фарғонаазот” АЖ ходимларининг ҳукукий маданиятини юксалтириш бўйича 2022-2023 йилларга мулжалланган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

III. Хавф-хатарларни баҳолаш²

Корхона комплаенс назорат хизмати томонидан “ISO 37001:2016 коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими тавсия ва таклифлари” қўлланмасининг 4.5-банди талаблари бўйича “Фарғонаазот” АЖ ижро аппаратининг коррупцион хавфларини баҳолаш (“KPMG” “Йўл харитаси” 5.2 банди) ишлари амалга оширилди ва коррупциявий хавф-хатарларнинг тоифалар бўйича нисбати (“юқори”, “ўрта”, “паст”) курсатилиб, “Узкимёсаноат” АЖ Кормпленс хизматига юборилди. Амалга оширилган тадбирлар жараёнида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш ва камайитириш бўйича таклифлар берилди. Жумладан:

- Корхонанинг иктисодий зонасида тайёр маҳсулотларни сақлаш омборларида (ваколатли омборларида) уларни вагонларга ортиш, тарозидан ўтказиш жараёнларини тўлиқ қамраб оладиган жойларга талон-тарож қилишни олдини олиш, меҳнат интизоми ва техника хавфсизлигини назорат қилиш учун мукаммалашган (модернизация қилинган) видеокузатув тизимини ўрнатиш чораларини куриш;

- Ваколатли омборларни танлаш, тегишли танловлар ўтказиш, уларни жихозланиш ҳолатларини текшириш ишларида комплаенс назорат хизмати ходимларининг қатнашишларини таъминлаш;

- Ишга қабул қилиш ва корхонада раҳбар ва ишчи ходимларни лавозимдан лавозимга кўтаришда ёки тенг лавозимга ўтказишда (ишдан бушатиш бундан мустасно) ходимлар билан ишлаш бўлими томонидан комплаенс назорат хизмати билан келишиш механизмини белгиловчи меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш;

- меҳнат интизомига риоя этилиши ва цехларда “мертвые души” ларга йўл қўймаслик учун корхона кириш дарвозаларига электрон турникетлар ўрнатиш;

- корхона ҳудудида ўғирликларга йўл қўймаслик мақсадида аниқланган ҳолатларни мунтазам муҳокама қилиб бориш ҳамда камчиликларга йўл қўйган раҳбар ходимларга нисбатан интизомий чоралар қўриб бориш;

- логистика ва транспорт йўналишида юк ортиш ва жўнатиш бўйича тегишли йўриқномаларни ишлаб чиқиш;

² Ҳисоботнинг 10-банди

- Коррупцион ҳолатларни олдини олишда тезкорликни таъминлаш мақсадида комплаенс назорат хизмати ҳамда ички аудит биргаликда амалга оширишлари лозим бўлган тадбирларни белгиловчи меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш;

- Коррупцион ҳолатларни олдини олиш ва йўл қўймаслик мақсадида профилактик тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириб бориш.

IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6257 Фармони, 2021 йил 06 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПК-5177 Қорори ҳамда “Фарғонаазот” АЖ бошқарув Раиси томонидан 2021 йил 17 июнда тасдиқланган ““Фарғонаазот” АЖ да манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати ”нинг 5.4 банди талабларидан келиб чиқиб, корхонанинг меъёрий ҳужжатида кўрсатиб ўтилган 222 нафар раҳбар ходимлардан 210 нафари **(91%)** манфаатлар тўқнашуви бўйича декларацияни тўлдиришди (12 нафари отпуск, командировка в.х.к).

Натижада, 4 нафар раҳбар ходимларда (иш жараенида якин кариндошларининг бевосита бўйсунishi) манфаатлар тўқнашуви ҳамда 6 нафар ходимларда (2 нафарининг фирмаларда улушлари булганлиги ҳамда 4 нафарининг якин кариндошлари иш жараёнида бевосита бўйсунishiлари) эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви борлиги аниқланди.

Мавжуд ҳолатлар жамиятдаги ахлоқ комиссиясида томонидан кўриб чиқилиб, манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарган омиллар бартараф этилди. Ўтказилган декларациялаш натижалари корхона расмий веб сайтга жойлаштирилди.

Коррупцияга қарши қоидаларни Ташкилот шарномаларига киритиш

Маҳсулотларни олди-сотдиси ва ишга қабул қилиш учун тузиладиган икки томонлама шартномаларда коррупциявий қонун бузилиш ёки ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик мақсадида 2021 йил 20 апрелдаги №556 сонли буйруқ билан “Антикоррупционная оговорка АО “Ferganaazot”” ишлаб чиқилиб, шартномаларга алоҳида бандлар киритиб борилмоқда.

Жорий йилнинг 01 январидан 01 октябрга кадар жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган қишлоқ-хўжалик, саноат ва қурилиш маҳсулотларини сотиб олмоқчи бўлаётган юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган 484 та шартномаларга коррупцияга қарши қоидалар алоҳида бандда киритилди.

Контрагентларни текшириш

Жорий йилнинг 01 январидан 01 октябрга кадар жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган қишлоқ-хўжалик, саноат ва қурилиш маҳсулотларини сотиб олмоқчи бўлаётган юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган 462 та шартномаларда кўрсатилган ҳолатлар текширилиб, тегишли хулосалар берилди.

Корхона ҳуқуқшунослик, сотишни ташкил этиш ва таъминот бўлимлари билан бирга олиб борилган тадбирлар жараёнида 201 нафар контрагентлар (ноинсоф тадбиркорлик субъектлари) биржа савдоларидан кейин уз вақтида маҳсулотларни олиб келмаганликлари ва техник талаб шартларини тулик бажармаганликлари сабабли ҳисобот даврида корхона томонидан 3 млрд 072 млн. 301 минг сумлик жарималар ундириб олинди.

(2021 й.- 3 млрд.715 млн 463 минг сум, 2022 йил 01 ноябрь ҳолатига - 3 млрд. 568 млн 066 минг 767 сум.)

Ишга номзодларни текшириш

Жамиятда фуқороларни ишга қабул қилиш Низом ва номзодларни текшириш бўйича йуриқнома (Буйруқ №1254, 11.08.2021й.) меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида ташкил қилинган.

Жамиятда фуқороларни ишга қабул қилиш Низом ва номзодларни текшириш бўйича йуриқнома (Буйруқ №1254, 11.08.2021й.) меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида ташкил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июль кунги «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПК-5177-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, интернет тармоғига жойлаштирилган <http://azot.vakantlar.uz> хавола орқали ишга туширилувчи дастур орқали корхонага ишга қабул қилиш “Фарғонаазот” АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 12 август кунги № 1259-сонли буйруғи билан жорий йил 01 сентябрдан жорий этилган ҳамда ишчи комиссия аъзолари тасдиқланган.

Ўтган 9 ой давомида корхонага жами 154 нафар фуқоролар янги дастур асосида **(3 чоракда 54 нафар)** ишга қабул қилинди. Шунингдек, турли сабабларга кўра 383 нафар шахслар **(3 чоракда 186 нафар)** ишдан бўшаб

кетган. Корхонада 1882 нафар ишчи-ходимлар (3 чорақда 989 нафар) ички иш жойини ўзгариши муносабати билан бошқа лавозимларга ўтказилган.

Корхона раҳбарияти томонидан ҳафтанинг ҳар душанба-сешанба кунлари мурожаатчиларни қабул қилиш ишлари амалга оширилиб, ишга кириш масалалари атрофлича ўрганиб чиқилмоқда.

V. Таълим ва коммуникация

Жамият ишчи-ходимларининг коррупцияга қарши курашиш, коррупция иллатига мурасисиз бўлиш муносабатини шакллантириш, ҳуқуқий онгини ва маданиятини юксалтириш мақсадида **ўқув-дастури** (Буйруқ №115, 24.01.2022й.) ишлаб чиқилиб, тасдиқланган жадвал асосида комплаенс назорат хизмати ходимлари томонидан бўлимлар ва цехларда **бевосита ўқитиш ишлари** амалга оширилмоқда.

Дастур асосида ҳозирги кунга қадар қуйидаги ходимлар билан ўқитиш ишлари амалга оширилди.

“Farg‘onaazot” акциядорлик жамиятида ҳисобот даврида коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ва махсус ўқитишдан ўтган ходимлар рўйхати

Т/р	Ходимнинг Ф.И.О	Лавозими	Ўқитиш тури (шакли)	Ўқитиш муддати
2022 йил 1-3 чорақлари давомида умумий ўқитишдан (барча ходимлар учун) ўтган ходимлар сони 2556 нафарни ташкил этади.				
1.	Мамажонов Нодиржон Нурматович	Молия бўлими бошлиғи	"Ўзкимёсаноат" АЖ ташаббуси билан ўтказилган ўқув курси ISO 37001:2016 халқаро стандарти бўйича коррупцияга қарши бошқарув тизимининг менежери/ички аудитори Анъанавий шакли	Махсус ўқув курслари 26.04.-29.04.2022й.
2.	Сайфутдинов Фарход Машрапович	Ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи		
3.	Ахунбаев Иброҳимжон Рустамович	Иновация маркази раҳбари		
4.	Маҳкамова Насибахон Умаровна	Юридик бўлим бошлиғи		
5.	Жаббаров Ғофуржон Ваҳабович	Комплаенс назорат хизмати бошлиғи		Махсус ўқув курслари 30.05.-31.05.2022й
6.	Бобоев Шухратжон Камилович	Комплаенс назорат хизмати		Махсус ўқув курслари 20.05.-21.05.2022й

		бошлиғи етакчи мутахассиси		
Жами 6 нафар ходим				

Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича коммуникация турлари ва сони куйидаги жадвалда курсатилган.

Т/р	Алоқа канали тури	Алоқа канали манзили (хаволаси)	Ташкил этилган вақти
1.	Корхона расмий веб саҳифаси	www.azot.uz	2013 йил
2.	Расмий веб-сайтдаги электрон почтаси	info@azot.uz	2013 йил
3	Ишонч телефони	+99873 242-66-13	2020 йил
4	Facebook ижтимоий тармоғидаги алоқа канали	https://www.facebook.com/fargonaazot.uz/	2019 йил
5	Телеграм мессенжеридаги алоқа канали	https://t.me/fargona_azot	2019 йил
6	Телеграмм бот канали	@fargonaazotanticorbot	2022 йил

VI. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўрисидаги хабарлар

I. 2022 йилнинг 01 январидан 01 октябрга қадар корхонанинг жисмоний ва юридик шахсларни қабулхонасига коррупция фактларига доир келиб тушган мурожаатлар сони **2 нафарни** ташкил этган.

Шунингдек, “Узкимёсаноат” АЖ “Ишонч телефони” га коррупция фактларига оид булган **2 нафар** мурожаатлар тегишлилиги бўйича урганилиб, тегишли чоралар курилган.

II. Корхонага ҳамда “Узкимёсаноат” АЖ га тегишлилиги бўйича келиб тушган мурожаатлар уз вақтида куриб чиқилиб, қонуний чоралар курилган. Жумладан:

1) Фарғона шаҳар Шароф Рашидов кучаси 25/2 уй 58 хонадонда яшовчи фуқаро М.О.Нумоновни 2022 йил 4 апрель куни, Идоравий харбийлаштирилган қўриқлаш бўлими ходими Г. Расулов ундан 400 000 сўм пул беришни талаб қилганлигини хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб жорий йил апрел ойида корхона раҳбарига мурожаат этган **ёзма аризаси юзасидан** хизмат текшируви утказилган.

Натижада, корхона ИХКБ соқчиси Г.Д.Расулов ўз хизмат вазифасини суистеъмол қилганлиги аниқланиб, у билан 2022 йил 05 апрель куни корхонанинг № 109-сон буйруғи билан **меҳнат шартномаси бекор қилинган**. Шунингдек, 4 нафар ИХКБ ходимлари хизмат вазифаларини сидқидилдан бажармаганликлари учун уларнинг ҳар бирига **“хайфсан”** интизомий жазоси эълон қилинган.

2) Жамият бошқарув раисининг 2022 йил 26 майдаги № 913-сонли буйруғига асосан ишчи гуруҳи тузилиб, карбамид ишлаб чиқариш цехининг собиқ ишчиси М.Маназаровнинг корхона раҳбари номига, шу йилнинг 25 май куни **ёзган аризасида** карбамид ишлаб чиқариш цехида хом-ашё сифатида фойдаланадиган аммофос минерал ўғитларини талон-тарож қилинганлиги ҳолатларини текшириш мақсадида ички хизмат текшируви ўтказилган.

Ички хизмат текшируви жорий йилнинг 26 май кунидан 2 июнь кунига қадар ўтказилиб, аризада курсатиб утилган карбамид цехида аммофос минерал ўғитларини талон-тарож қилинганлик ҳолатига қонуний баҳо бериш учун тўпланган ҳужжатлар ҳудудий тегишлилиги бўйича **Фарғона шаҳар прокуратурасига юборилган**.

“Ўзкимёсаноат” АЖ “Ишонч телефони” га булган 2 нафар мурожаатлар:

1) Комплаенс назорат хизмати томонидан Андижон вилояти Балиқчи туманида жойлашган «ХАМКОР АГРО МИНЕРАЛ» хусусий корхонаси ҳисобчиси У.Мамажоновни **«Ўзкимёсаноат» АЖ** нинг **«Ишонч телефони»**га “Фарғонаазот” АЖ дан биржа орқали олган минерал ўғитларини олгани келган вақтда, яъни, 2021 йил 15 декабрь куни жамият идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлими ходими Ж.Низомовнинг унга нисбатан нотўғри хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб қилган мурожаати юзасидан шу йилнинг 15 декабрь кунидан 28 декабрь кунига қадар ички хизмат текшируви ўтказилган.

Натижада, У.Мамажоновни кўргазмаларида таъмагирлик аломатлари борлигини ва бу ҳолатларга ҳуқуқ тартибот идоралари томонидан ҳуқуқий баҳо берилиши кераклигини эътиборга олиб, тўпланган ҳужжатлар ҳудудий тегишлилиги бўйича **Фарғона шаҳар прокуратурасига юборилган**.

2) Фарғона вилояти Бувайда туманида жойлашган «ИШОНЧ МИНЕРАЛ САВДО» МЧЖ раҳбари А.Маматализоданинг **«Ўзкимёсаноат» АЖ** нинг **«Ишонч телефони»** га 2022 йил 31 январь куни, корхонанинг Андижон вилояти Жалақудуқ туманида жойлашган № 16-сон ваколатли омборидан, биржа савдоларида сотиб олган минерал ўғитларни олиб келиш учун борган вақтида, омбор ходимлари томонидан қўпол муомилада бўлиш

хамда таъмагирлик ҳолатлари булаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати буйича ички хизмат суриштируви шу йилнинг 03 февралидан 14 февраль кунига қадар ўтказилган.

Натижада, А.Маматализоданинг кўргазмаларида таъмагирлик аломатлари борлигини ва бу ҳолатларга ҳуқуқ тартибот идоралари томонидан ҳуқуқий баҳо берилиши кераклигини эътиборга олиб, тупланган ҳужжатлар “Ўзкимёсаноат” АЖ Комплаенс хизмати ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали **Андижон вилоят прокуратурасига юборилган.**

VII. Мониторинг ва назорат³

Ўзбекистон Республикаси ДХХ Тергов бошқармасининг 2021 йил 21 май кунги 170008/2021-157ЛН сонли хатига асосан корхона бошқарув раисининг 2021 йил 30 июлдаги №1187-сонли буйруғи чиқарилиб, жамиятга тегишли бўлган цехларда «Ўзкимёсаноат» АЖ томонидан корхона молиявий хўжалик фаолиятини ўрганиш учун юборилган гуруҳ аъзолари билан режага асосан ҳамкорликда ўтказилган мониторинг ва назорат тартибидаги текширувлар давомида қуйидаги цехларда жами **141 млн 614 минг 741 сум** ТМБ лари камомадлари аниқланган:

- 1) 2022 йил апрель ойида РУК и УА цехида 4 млн 558 минг 753 сум;
- 2) 2022 йил май-июнь ойларида РМЦ цехида 15 млн 588 минг 592 сум;
- 3) 2022 йил июнь ойида ВОХР да 37 минг 069 сум;
- 4) 2022 йил август ойида АК-72 М цехида 80 минг 323 сум;
- 5) 2022 йил сентябрь ойида “Аммиак-3” цехида 121 млн 350 минг сум;

Барча аниқланган камомадлар буйича тегишли далолатномалар расмийлаштирилиб, ДХХ ТБ га юборилган ва ҳозирда камомадларни ундириб олиш чоралари қурилмоқда.

4 чорак 2022 йилда:

- 6) 2022 йил октябрь ойида Вагонларга юк ортиш цехида - 22 млн сум;
- 7) 2022 йил октябрь ойида АС-72 Натрий нитрат цехи тайёр маҳсулотлар омборидаги қурилиш материаллари камомади - 220 млн сум;
- 8) 2022 йил октябрь ойида АК-72 М Аммиачная селетра цехида - 1 млрд. 527 млн 600 минг сум;
- 9) 2022 йил октябрь ойида РМЦ - 243 млн сум. **(Бухгалтериядан аниқлаштириш керак)**

³ Ҳисоботнинг 10-бетида.

VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари

Утган ҳисобот даврида (01.01.2022й.-01.10.2022й.) қоидабузарликлар ва коррупцион хавф-хатарлар асосан:

- 1) Корхона омборларидаги ТМБ ларини сақлаш ва маҳсулотларни харидорларга юбориш соҳасида;
- 2) Харидларни ташкил этиш соҳасида;
- 3) Фуқороларни ишга олиш ва меҳнат муносабатлари соҳаларида (фуқоролар мурожаатининг 79,1 % ишга кириш масаласида эканлиги);
- 4) Корхона цехларидаги ТМБ ларини ўғирлаш ҳолатларида (кабел ўғирликлари бўйича аниқланган ҳолатлар);
- 5) Логистика ва транспорт соҳаларида (юкларни жунатиш ва темир йўл цехида аниқланган ҳолатлар) аниқланган.
- 6) Корхона цехларидаги ТМБ лари камомадлари (мониторинг ва назорат текширувлари давомида аниқланган ҳолатлар).

Аниқланган коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги талабларнинг бузилганлиги ҳолатларини олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик мақсадида комплаенс назорат хизмати томонидан 9 та ички хизмат суруштирувлари амалга оширилган.

Конунбузарликлар тугрисида олинган маълумотлар асосан 2 таси “ишонч телефони”, 2 таси бевосита ёзма хабар бериш, 5 таси мониторинг ва назорат натижалари бўйича олинган.

Ушбу конунбузарликларни олдини олиш ва келгусида йўл қўймаслик мақсадида:

- 2022 йилнинг 6 июнь куни, корхона раҳбарининг № 980-сонли буйруғи билан “Хизмат одоби қоидалари” тасдиқланди.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кумаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тугрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги № 829-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Фарғонаазот” АЖ бошқарув раисининг 2022 йил 7 апрель кунидан № 558-сонли буйруғи ишлаб чиқилиб, барча раҳбарлар ва ишчи-ҳодимларнинг эътиборига етказилиб, амалиётга жорий қилинди.

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш

чора-тадбирлари тугрисида” ги 2022 йил 11 майдаги ПК №240-сон Карори ижросини таъминлаш мақсадида “Фаргонаазот” АЖ бошқарув раисининг 2022 йил 18 май кунидан № 844-сон буйруғи ишлаб чиқилиб, барча раҳбар, ишчи-ҳодимларнинг эътиборига маълумот учун етказилди ва амалиётга жорий қилинди.

-“Фаргонаазот” АЖ бошқарув раисининг 2022 йил 23 май кунидан № 898-сон буйруғи ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан таркибий бўлинмаларнинг штат жадвалига киритилган узғаришларни инобатга олган ҳолда тегишли бўлинмаларга раҳбарларни танлаш ва тайинлашда шаффофликни таъминлаш мақсадида, корхонанинг бошқарув аъзолари ва бўлинма раҳбарларидан иборат комиссия тузилиб, амалиётга жорий қилинди. Ушбу комиссия таркибига Комплаенс назорат хизмати бошлиғи ҳам киритилган.

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июль кунидан “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қушимча чора-тадбирлар тугрисида” ги № ПК-5177-сон Карори ижросини таъминлаш мақсадида “Фаргонаазот” АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 12 август кунидан № 1259-сон буйруғи ишлаб чиқилиб, ушбу буйруқ талаблари асосида 2021 йилнинг 20 август кунидан бошлаб, корхонага ишга қабул қилиш интернет тармоғида жойлаштирилган программалаштирилган дастур орқали тест синовларидан мувоффиқиятли утган номзодлар, ташкил қилинган комиссия суҳбатидан утгандан сунг ишга қабул қилиниши йулга қуйилган. Ушбу комиссия таркибида Комплаенс назорат хизмати бошлиғи ҳам киритилган бўлиб, ишга қабул қилиш жараёни назоратга олинган.

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июнь кунидан № ПФ 6013-сон Фармоннинг 3.8-банди талабларини бажариш юзасидан, “Пора олиш-беришга қарши курашиш бошқарув тизими” ISO № 37001-2016 халқаро стандартини корхонада жорий қилиш мақсадида, “Фаргонаазот” АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 23 сентябрь кунидан № 1499-сон буйруғи билан ишчи гуруҳ ташкил қилинган бўлиб, мазкур гуруҳ томонидан доимий равишда коррупцион хавф-хатарни аниқлаш, баҳолаш ва мониторинг қилиш йўналишида ишлар давом эттирилмоқда.

- “Фаргонаазот” АЖ бошқарув раисининг 2022 йил 17 январь кунидан № 76-сон буйруғи билан, корхонанинг техник ва молиявий ҳолатда таъсир курсатувчи ва жавобгар бўлган таркибий бўлинмалар раҳбарларини, шу жумладан уларнинг уринбосарларининг коррупцион ва бошқа ноқонуний ҳатти-ҳаракатларига йўл қуйиш хавфини камайтириш мақсадида, уларни қушимча моддий рағбатлантириш механизмини белгиловчи Низом ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди.

-“Фаргонаазот” АЖ билан туғридан-туғри тузилган шартномалар матнларига коррупцияга қарши бандлар киритилиши таъминланган бўлиб (Буйруқ № 556, 20.04.2021й.), монополист ташкилотлар ҳамда соҳавий корхоналар билан тузилаётган шартномалардан ташқари барча контрагентлар Комплаенс назорат хизмати ва юридик бўлим билан ҳамкорликда урганиш

ишлари ташкил килинган (Буйруқ № 793, 27.05.2021й.). Шу билан бирга тугридан-тугри тузилаётган барча шартномалар қонунийлиги Комплаенс назорат хизмати билан келишилмоқда.

- “Фаргонаазот” АЖ да корпоратив карточкадан фойдаланишда коррупцион хавф-хатарларни олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 10 март кунидан “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарининг чиқарилиши ва муомилада бўлиши қоидалари тағрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” ги № 28/21-сон Қарори талабларига мувофиқ, қорхонада корпоратив картадан фойдаланиш ваколатига эга шахслар, картага туширилаётган энг катта сумма миқдори ва нима мақсадларда сарфланиши, шунингдек, ҳисобдорлик тартиби ҳамда қонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик масалаларини белгилловчи Низомни ишлаб чиқиш юзасидан 2022 йилнинг 18 февраль кунидан бошқарув раисига хизмат хати киритилди ва ҳозирда шу Низом юридик бўлим томонидан ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида 2022 йилнинг 01 январидан 10 сентябрга қадар жами 62 та: 2 та радио орқали профилактик тадбир, 1 та матбуот анжумани, 1 та ёзма иш танлови, 7 та “Кимёгар” газетасида мақолалар, 8 та семинар-тренинглар, 43 та умумий профилактик тадбирлар ўтказилиб, қорхона расмий сайтига жойлаштириш ишлари амалга оширилди.

Аниқланган салбий ҳолатлар натижалари бўйича 4 нафар ходимлар билан хизмат шартномалари бекор қилинди, 6 нафарига “хайфсан” жазо чоралари қўрилди, 5 нафарига “каттик огохлантириш”, 11 нафар ишчи-ҳодимларнинг ойлик маошларидан маълум бир қисмдаги жарималар ушлаб қилинган.

Қелгусида қоидабузарликларга йўл қўймаслик ва олдини олиш учун профилактик тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириб бориш ҳамда қорхона ички ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

IX. Хулосалар

Амалга оширилган 9 нафар ички хизмат суриштирувлари давомида аниқланган ҳолатлар асосан харид қилинган маҳсулотларни олиш вақтида рўй берган салбий ҳолатлар, ўғирчиликлар ва юкларни жўнатиш ишларидаги қамчиликлар бўлиб, қорхонага 48 млн 336 минг сўм моддий зарар қилтирилганлиги маълум бўлган.

Шунингдек, ўтказилган мониторинг ва назорат тартибидаги текширувлар давомида 141 млн 614 минг 741 сум ТМБ қамомати аниқланган. (Жами: 189 млн 950 минг 741 минг сум).

Аниқланган салбий ҳолатлар бўйича 4 нафар ходимлар билан хизмат шартномалари бекор қилинган, 6 нафарига “хайфсан” жазо чоралари берилган, 5 нафарига “каттик огохлантириш” берилган, 11 нафар ишчи-ходимларнинг ойлик маошларидан маълум бир фоиздаги жарималар ушлаб қолинган.

“Фарғонаазот”АЖ да манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати”нинг 5.4 банди талабларидан келиб чиқиб, корхонанинг меъёрий ҳужжатида кўрсатиб ўтилган 210 нафар ходимлар манфаатлар тўқнашуви бўйича декларацияни тўлдиришди ва декларациялаш натижасида 4 нафар раҳбар ходимларда манфаатлар тўқнашуви ҳамда 6 нафар ходимларда эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви борлиги аниқланди. Мавжуд ҳолатлар ахлоқ комиссиясида кўриб чиқилиб, манфаатлар тўқнашуви бартараф этилди. Ўтказилган декларациялаш натижалари корхона расмий веб сайтга жойлаштирилган.

Ўтказилган таҳлил ишлари шуни кўрсатадики, комплаенс назорат хизмати томонидан 2021 йил шу даврда **5 та коррупцион ҳолатлар** аниқланиб, **5 та хизмат суриштирувлари** ўтказилган. Ушбу салбий ҳолатлар омборлардан товар-моддий бойликларини ўғирлаш, меҳнат интизомини қўпол равишда бузиш ва ишлаб чиқарилган минерал ўғитларни талон-тарож қилиш ҳолатлари бўлиб, келтирилган моддий зарарлар ундириб олинган.

Корхонада коррупцияга қарши кураш бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга риоя этиш ҳамда олиб борилаётган чора-тадбирлар, профилактика ва уқув-дастури асосида ўқитиш ишлари натижасида 2022 йил 3 та чораги давомида 2021 йил 3 чорагида кўрсатилган ҳолатлар содир этилмаган.

Шунингдек, фуқороларни ишга олиш жараёнида янги қоидалар ва ўзгаришлар киритилиши оқибатида бу йўналишдаги коррупцион хавф-хатарлар камайган.

Жамият раҳбарияти билан қурилган чоралар натижасида жамият цехларида “мертвые души” лар бўлмаслигига ва меҳнат интизомини мустаҳкамланишига эришилган.

Ўтказилган профилактик тадбирлар ва корхона раҳбарияти томонидан қурилаётган чоралар натижасида жамиятда бир қатор ижобий ўзгаришлар кузатилди. Жумладан, жамият ишчи ходимлари ўртасида ўғирлик ҳолатлари, майда ташмачилик, моддий зарар келтириш ҳолатлари кескин камайган. Шунингдек, корхона раҳбарияти томонидан байрам ва турли маърифий, спорт тадбирлари давомида ишчи ходимларни рағбарлантириш ишлари амалга ошириб борилаётганлиги натижасида маънавий муҳит яхшиланишига

хамда коррупцион ҳолатларни камайишига ўзининг ижобий таъсирини курсатди.

Х. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси

Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш учун қуйидагилар **таклиф** қилинади:

1) Комплеанс-назорат хизматини ташки таъсирсиз ва мустақил фаолият олиб бориши учун тугридан-тугри “Ўзкимёсаноат” АЖ Раисига ёки кузатув Кенгашига бўйсиндириш лозим.

2) Жамиятда раҳбарлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ҳамда муқофотлаш ишларининг ҳаққоний ва ҳолислигини таъминлаш мақсадида Комплеанс нazorат хизмати бошлигини қорхона Бошқарув Кенгаши аъзоси этиб тайинлаш.

3) Ички хизмат текширув даврида ташкилотнинг молиявий-ҳужалик ёки бошқа соҳа фаолиятини урганиш зарурати тугилганда, қорхонада ишловчи мутахассислар масалага ноҳолис ёндошишлари мумкинлигини эътиборга олиб, аудиторлар ва мутахассислар фикрини, ҳулосасини олиш учун ташқаридан жалб қилиш ва уларга хизмат туловини амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш;

4) Хизмат зарурати сабабли суровнома асосида бошқа давлат идораларидан (солик, божхона, ИИБ, прокуратура ва бошқалар) суровнома орқали маълумотларни олиш ва давлат органларини жавоб беришга мажбурийлигини белгилаш;

5) Хизмат вақтида олинган маълумотлар асосида оператив тадбир утқазиш зарурати тугилганда (масалан пора бериш ёки унга воситачилик қилиш) тегишли ҳуқуқ тартибот органларига бу ҳақда хабар бериш ва улар билан ҳамкорликда тезкор тадбирларни утқазишда ҳамкорлик қилиш;

6) Хизматнинг фаолияти натижалари бўйича тавсия қилинган чора-тадбирларни асоссиз бажармаганлик учун маъсул шахсларни интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортиш механизмини ишлаб чиқиш;

7) Ходимларни хизмати давомида ҳаёти ва соғлиғига ҳавф мавжудлигини эътиборга олиб, ижтимоий ҳимоялаш масалалари, яъни, уй-жой, автомашина ёки бошқа ҳаётий муаммоларни ҳал этишда имтиёзли кредитлар ажратиш, фарзандларини олий укув юртига уқишга қиришлари учун имтиёзли квоталар ажратиш;

8) Ходимларни мартабасини, хизматни мавқеини қутариш мақсадида ҳарбийлашган қийим-бошни ишлаб чиқиш ва қиритиш.

Тадбирлар режаси

1. Товар моддий бойликларини сотиб олиш жараёнида “инсон омили”ни чеклаш ва коррупцияни олдини олиш мақсадида “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида харидлар амалга оширилишини назорат қилиш.
2. Контрагентларнинг ишончлилигини, шу жумладан, ўтмишда коррупциявий ҳукукбузарликларни содир этмаганлиги, жамият тизимидаги корхоналар ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини ўрганиш.
3. Жамият томонидан тўғридан-тўғри шартномаларни имзоланишида коррупцияга қарши огоҳлантириш бандини киритилишини таъминлаш.
4. Ҳар чоракда корхона томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги маълумотларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.
5. Бўш иш ўринлари (вакансиялар) тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон бериб боришни назорат қилиш.
6. Ходимларни танлаш ва ишга олиш жараёнини ички меъёрий ва қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилаётганлигини ўрганиш.
7. Корхонада номзодларни ишга қабул қилиш жараёнларини автоматлаштирилган тизим, малакаларни баҳолаш бўйича электрон дастур асосида амалга оширилишини назорат қилиш.
8. Жамият ходимлари томонидан совға олиш ёки бериш тартибини меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилишини назорат қилиш.
9. Совғани қабул қилишнинг қонунийлиги тўғрисида шубҳа туғилган жамият ходимларига тушунтириш ишларини ташкил этиш.
10. Ҳар чоракда ходимлар томонидан олинган ёки берилган совғаларни ўрганиш ва маълумотларни расмий веб-сайтда эълон қилиш.
11. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ва амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг ижросини мониторинг қилиш.
12. Жамият ходимлари томонидан хайрия ва ҳомийлик фаолиятини меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилишини назорат қилиш.
13. Ҳар чоракда жамият томонидан амалга оширилган хайрия ва ҳомийлик фаолиятини мониторинг қилиш ва ушбу маълумотларни расмий веб-сайтда эълон қилиш.
14. Корхонага янги ишга кирган ходимларга коррупция тушунчаси, унинг шакллари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ички сиёсатлар талабларини тушунтириш.
15. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамиятда қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида ходимлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиши идоралари билан ҳамкорликда семинарлар ўтказиш.

16. Жамият ходимларида коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш, уларни ҳуқуқий онгини баҳолаш мақсадида коррупция элементлари ва келиб чиқиш омилларини қамраб олган саволлар асосида тест синовларини ўтказиш.
17. Корхонада укув-дастури асосида ISO 37001:2016 халқаро стандарти талаблари асосида ходимларни ўқитиш ишларини ташкиллаштириш

“Фарғонаазот” АЖ

Комплаенс назорат хизмати бошлиғи  **Е.Жаббаров**

04 октябрь 2022 йил.

Комплаенс назорат хизматининг 2022 йил 9 оyi (3 чорағи) бўйича хисоботи билан танишдим:

“Фарғонаазот ” АЖ

бошқаруви раиси

“___” октябрь 2022 йил.



Д.Маннанов